

## 2016 йил давомида “Ўздавдонинспекция” томонидан амалга оширилган ишлар

2016 йил давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурига асосан қуйидаги ишлар амалга оширилган.

2016 йил давомида “Ўздавдонинспекция” томонидан жами **5323,5 минг тонна** дон маҳсулотлари давлат назоратидан ўтказилди.

Жумладан, 2016 йил ғалла мавсуми давомида давлат эҳтиёжи учун қабул қилинган **646,7** минг тонна, чет давлатларга жўнатилган **207,4 минг тонна** дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларининг сифати назорат қилинди.

Ғалла тайёрлаш мавсуми жараёнида “Ўздавдонинспекция” мутахассислари томонидан берилган кўрсатмаларга асосан фермер хўжалиқларига жами 71480,9 минг сўм кам ҳисобланганлиги аниқланиб, хўжалиқлар билан қайта ҳисоб-китоб қилинган.

Дон маҳсулотлари соҳаси бўйича тақдим қилинган 29 та меъёрий-техник ҳужжат лойиҳалари “Ўздавдонинспекция” мутахассислари томонидан кўриб чиқилди ва улар бўйича тегишли келишувлар амалга оширилган.

“Ўздонмаҳсулот” АК тизим дон корхоналаридаги давлат ресурси, заҳираси ва суғурта фондидаги буғдойни 2016 йилда хатловдан ўтказиш ва “нол”га тозалаш юзасидан тасдиқланган жадвалга асосан жойларда ташкилий ҳамда назорат ишлари олиб борилди ва натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июндаги 269-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ “Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги **21 та** корхоналар раҳбарларининг доннинг сифати, сақланиши ва оқилона фойдаланилиши масалалари бўйича ҳисоботлари эшитилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди ва ижроси назоратга олинган.

Тасдиқланган графикка асосан 2016 йил давомида “Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда жойлашган дон корхоналарида раҳбар ва масъул шахсларнинг соҳавий билимини ошириш ва юзага келадиган қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишга жалб этиш ҳамда доннинг сифати, сақланиши, оқилона фойдаланиш, ғалла мавсумининг моддий-техника базасини тайёргарлиги бўйича профилактика ва тушунтириш ишлари олиб борилган.

Марказий лаборатория ва унинг филиаллари ҳамда минтақавий лабораторияларда модернизация ишларини амалга ошириш юзасидан “Ўздавдонинспекция”нинг хўжалиқ ҳисобидаги маблағларидан 113,6 млн. сўмга замонавий ва тезкор синов ускунари харид қилинди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги Байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар туманларида кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва совғалар билан таъминлаш мақсадида 103 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда соҳа фахрийларига 12,8 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам берилди.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун талабларини сўзсиз бажариш юзасидан 2016 йил 22 декабрь санасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат дон инспекцияси бошлиғининг расмий виртуал қабулхонаси vq.uzddi.uz электрон манзилида ташкил этилди.

“Ўздавдонинспекция” ва унинг ҳудудий бўлинмаларида 2016 йилда дон партияларини сертификатлаштириш ва метрология хизмати кўрсатиш бўйича **1584,1 млн. сўм** (2015 йилнинг шу даврида 1212,9 млн.сўм), хизматлар кўрсатилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати **130,6** фоизни ташкил этди.